БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 207 (438)

18 ОКТЯБРЬ СЕШАНБА 1955 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУНГИ СОНДА:

Н. С. Хрушчев Пьетро Неннини қабул қилди (1-нчи бет).
Финляндия Республикаси Президенти Ю. К. Паасикивининг СССР Олий Совети Президиумининг раиси К. Е. Ворошиловга телеграммаси (1-нчи бет).
Финляндия Бош Министри Урхо Кекконеннинг СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганинга телеграммаси (1-нчи бет).
Область ижроия комитети ва Ўзбекистон КП область комитетида (1-нчи бет).
Чирчиқ шаҳар саноат корхоналарининг энг яхши рационализаторлари ва ихтиро'чиларини Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиқлари блан мукофотлаш тўғрисида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони (1-нчи бет).
Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетидан (1-нчи бет).
Тошкент шаҳар партия комитетида (2-нчи бет).
**А. Бронштейн.** — Жонли раҳбарлик ўрнига қўпол ма'муриятчилик (2-нчи бет).
**Аббос Муҳиддин.** — Собир Абдулла (2-нчи бет).
СССР Олий Совети делегациясининг Югославияда бўлиши (4-нчи бет).
БМТ Бош Ассамблеясининг X сессияси (4-нчи бет).
Афғонистон элчихонасида қабул маросими (4-нчи бет).

## Болалар учун юксак савияли асарлар яратайлик!

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати бизнинг келажагимиз ва умидимиз бўлган ёш авлодни коммунизмнинг улуғ идеялари руҳида тарбиялашга, уларнинг онгли, билимдон ва илғор кишилар бўлиб етишишларига ҳамиша катта э'тибор бериб келмоқдалар. Ёш авлодни она-Ватанга, қаҳрамон халқимизга, коммунизм улуғ ишига чексиз садоқат руҳида, душманларга қарши курашда қўрқмайдиган, ҳарқандай тўсиқ ва қийинчиликларни енгиб, ғалаба сари комил ишонч блан олға борувчи ҳақиқий ватанпарвар қилиб тарбиялаш—умумдавлат аҳамиятига эга бўлган олижаноб вазифадир.

Ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашдек олижаноб вазифани бажаришда бадиий адабиётнинг роли бениҳоя каттадир. Китобхон ёшлар ўзлари ўқиётган китоблардан эстетик завқ олишни, ҳаётда, ўқишда, юриш-туришда намуна бўладиган ва қалбларига яқин образларни топишни истайдилар. Павел Корчагин, Павел Морозов, Зоя Космодемьянская, ёш гвардиячи қаҳрамонлар ёш китобхонларимизнинг севимли образлари бўлиб қолганликлари бечиз эмас. Китоб, шу жумладан бадиий адабиётлар ёш китобхонларнинг билим даражасини кенгайтиради, уларни улуғ ишларга, кураш ва ғалабаларга илҳомлантиради.

Кўпмиллатли совет болалар адабиётининг ажралмас қисми бўлган ўзбек совет болалар адабиёти Совет ҳокимияти йилларида ҳартарафлама ривожланди. Ўзбек совет ёзувчилари рус классик ва совет адабиётининг бой хазинасидан баҳраманд бўлиб, ёш авлоднинг ҳаёти, та'лим-тарбияси, халқ ҳамда Ватан олдидаги улуғ гражданлик бурчларига доир бирқанча асарлар яратдилар. Ёш китобхонлар Ҳамза Ҳакимзода, С. Айний, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Султон Жўра, Зафар Диёр, Қуддус Муҳаммадий, Шукур Са'дулла, Ҳаким Назирнинг асарларини севиб ўқимоқдалар. Кейинги йилларда ўзбек совет болалар адабиётига бирқанча ёш, талантли авторлар кириб келди. Ёш авторлардан Одил Ёқубовнинг «Тенгдошлар» китоби, Пўлат Мўминнинг «Ўринбосарлар» поэмаси, Қудрат Ҳикмат, Ж. Абдуллахонов, Рустам Комилов ва бошқаларнинг болалар учун ёзган янги асарлари ёш китобхонларнинг севимли китобларига айланиб қолмоқда.

Ўзбек совет адабиётини ривожлантиришда жанрларни, асарларнинг тематикасини кўпайтириш ва бу соҳада асарлар ёзиб келаётган ёзувчиларнинг ижодий фаолиятини кучайтириш катта аҳамиятга эгадир. Ҳозирги вақтда поэтик асарлар блан бирга проза жанрида ёзилган ҳикоя ва повестьлар яратилмоқда. Айрим болалар ёзувчилари ўз қаламларини кичкинтойларга мўлжалланган прозаик асарлар устида синаб кўрмоқдалар. Бу, албатта қувончли бир ҳолдир. Броқ шунга қарамай, проза, биринчи навбатда, драматургия ўзбек совет болалар адабиётида энг қолоқ соҳа бўлиб қолмоқда. Ёш китобхонлар ўз ҳаётлари, ўқишлари ва жўшқин интилишлари тўғрисида йирик прозаик ва саҳна асарларининг кўплаб нашр этилишини истайдилар. Ота-оналар ўз фарзандларининг орзу-истакларини, та'лим-тарбия ишларини тасвирловчи асарлар яратишда ёзувчилар .биринчи навбатда республикамизнинг отоқли ёзувчилари қарздор бўлиб қолаётганликларини та'кидламоқдалар. Яқинда бўлиб ўтган Тошкент шаҳар партия активи йиғилишида сўзга чиққан нотиқлар Ўзбекистон Совет ёзувчилари союзини танқид қилиб, етук ёзувчиларимиз болалар учун янги асарлар ёзмаётганликларини ҳақли равишда кўрсатиб ўтдилар.

Ўзбекистон Совет ёзувчилари союзи болалар адабиёти секциясини ижодий лабораторияга айлантириш учун етарли э'тибор бермаётир. Секция ишларида болалар ёзувчилари мунтазам равишда қатнашмаётирлар, шунингдек муҳокамага қўйилган асарларни ҳартомонлама ўрганиш, анализ қилиш ва авторларга маслаҳатлар бериш ишлари системали равишда олиб борилмаётир. Бунинг натижасида айрим ёзувчиларнинг нашр этишга тақдим этилган китобларида ғоявий ва бадиий жиҳатдан бўш бўлган ше'р ва ҳикоялар учрамоқда.

Ҳаётни пухта ва ҳартомонлама ўрганмасдан туриб, ёш китобхонларнинг юксак талабларига муносиб асарлар яратиб бўлмайди. Айрим болалар ёзувчилари тематикани кенгайтириб, оригинал асарлар яратишга жиддий аҳамият бермай келаётирлар. Бунинг натижасида улар ўзларининг илгари ёзган асарлари руҳидаги ёки ёзувчилар томонидан аллақачонлар қаламга олинган темаларни такрорловчи ше'рлар ижод қилмоқдалар. Болалар учун кўп йиллардан буён ижод қилиб келаётган Қуддус Муҳаммадий ва Қудрат Ҳикмат тўпламларида ҳам шундай нуқсонлар содир бўлмоқда. Улар ўзларини ўзлари такрорлаб, ижод тематикасини кенгайтириш ва сермазмун ҳаётимизнинг рангба-ранг лавҳаларини акс эттирувчи асарлар яратишда ўз имкониятларидан тўла фойдаланмаётирлар.

Болалар учун нашр этилаётган кўпгина асарлар мактаб ва та'лим- тарбия темасидаги асарлардир. Болалар бепоён Ватанимизнинг улугворлигини, гўзаллигини тасвирловчи саёҳатномаларни, фан ва техника янгиликларини, коммунизмнинг буюк қурилишларини, халқ хўжалигининг турли соҳасида ишлаётган илғор кишилар ҳаётини акс эттирувчи китобларни, турли саргузашт тарзида ёзилган асарларни ўқишни истайдилар. Айниқса ўзбек болалар адабиётида илмий-фантастик темада ёзилган асарлар йўқ. Ма'лумки, илмий-фантастик асарлар ёшларимизни фан чўққиларини эгаллашга, янгиликлар яратишга, фикр доираларини кенгайтиришга ундайди. Бундай асарлар эса ўзбек болалар ёзувчилари томонидан яратилмаётир. Мамлакатимизда амалга оширилаётган коммунизм қурилишининг улуғ ижодий ишларини, халқимизнинг қаҳрамонликларини акс эттирувчи, ёш китобхонларни фан чўққиларини эгаллашга, келажакда илғор кишилар бўлиб етишишга илҳомлантирадиган асарларни яратиш — ёзувчиларимизнинг муқаддас бурчидир.

Болалар адабиётини ривожлантиришда ва янги асарларни пропаганда қилишда матбуот ва нашриёт ходимларининг зиммасига шарафли вазифалар юкланган. «Шарқ юлдузи», «Звезда Востока», «Пионер» журналлари, «Ўқитувчилар газетаси», «Ёш ленинчи», «Ленин учқуни» газеталари болалар учун ёзилган асарларни, шунингдек бу асарлар ҳақидаги танқид ва библиографик мақолаларни қониқарсиз ёритиб келмоқдалар. Бу журнал ва газеталарнинг саҳифаларида ба'зан ёш китобхонларнинг юксак талабларига жавоб бермайдиган, бадиий жиҳатдан бўш асарлар ҳам босилмоқда. Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти болалар учун нашр этилаётган таржима ва оригинал асарларни чиқаришни тубдан яхшилаши керак.

Ёш гражданлар учун юксак савиядаги асарлар яратиш ёзувчиларимизнинг шарафли бурчидир. Болалар адабиётини янада ривожлантириш ва уни сермаҳсул қилиш учун барча ижодий кучлар қатнашмоғи керак. Ёзувчилар блан педагогларимиз ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатиш зарур. Ўзбек совет болалар адабиётининг ҳамма турларини ва жанрларини бойитиш ва янада ривожлантириш, миллион-миллион китобхон ёшларнинг тобора ўсиб бораётган ма'навий талабларини тўла қондириш учун юксак бадиий асарлар яратиш— ёзувчиларимизнинг энг муҳим вазифасидир.

Ёш китобхонларнинг талабларини э'тиборга олиб, болалар учун юксак савиядаги асарлар яратайлик. Барча ижодий кучларимизни ишга солиб, ўзбек совет болалар адабиётини янада ривожлантирайлик!

## Н. С. Хрушчев Пьетро Неннини қабул қилди

ЯЛТА, 15 октябрь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг биринчи секретари Н. С. Хрушчев бугун Италия социалистик партиясининг бош секретари, Италия парламентининг депутати, Жаҳон Тинчлик Кенгаши раисининг ўринбосари Пьетро Неннини қабул қилди ва халқаро аҳвол ҳамда тинчлик учун курашнинг умумий проблемалари юзасидан у блан узоқ вақт дўстона суҳбат қилди.

Н. С. Хрушчев ва Пьетро Ненни биргаликда овқатландилар ва денгиз қирғоғида сайр қилдилар.

## Дастлабки натижалар

Янгийўл пахта тозалаш заводининг коллективи 1955 йилги пахта ҳосилини қайта ишлашга пухта тайёргарлик блан киришиб, ишлабчиқаришда дастлабки ғалабаларга эришди. Корхона коллективи сентябрь ойи планини 19 кундаёқ бажариб, ой охиригача қўшимча равишда 4,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди.

Партия XX с'езди шарафига бошланган социалистик мусобақада ўртоқ Зарубин бошчилик қилаётган бригада а'золари олдинда бормоқдалар. Бу бригада систематик суратда юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқараётганлиги учун завод кўчма Қизил байроғини олишга муяссар бўлди.

Асбоб-ускуналарнинг тўхтовсиз ва бир ме'ёрда ишлаши корхона коллективига октябрь ойида ҳам юқори кўрсаткичларга эришиш ва ҳар куни пландан ташқари 30 тоннагача маҳсулот бериш имконини бераётир. Завод коллективи шаҳар саноат корхоналари ўртасида бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, Улуғ Октябрь революциясининг 38 йиллиги байрамини муносиб кутиб олиш мақсадида 7 ноябрьгача пландан ташқари 1000 тонна пахта толаси ва 250 тонна пахта момиғи ишлабчиқариш мажбуриятини олди.

## Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетидан

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитети совет театри сан'атининг отоқли арбоби, ўзбек театрининг асосчиларидан бири, Ўзбекистон ССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати **Маннон Мажидович Уйғурнинг** узоқ давом этган оғир касалликдан кейин, шу йил 16 октябрьда вафот этганлигини чуқур қайғу блан билдирадилар.

## *СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. ВОРОШИЛОВ Жаноб Олийларига*

МОСКВА

1955 йил 19 сентябрьда Москвада имзоланган битимлар СССР Олий Совети Президиуми томонидан ратификация қилинганлиги тўғрисидаги хабарингиз, шунингдек СССР Олий Совети Президиуми номидан ва Раис жаноблари, ўз номингиздан юборган самимий табрик ва тилакларингиз мени жуда хурсанд қилди.

Мен ҳам шу нарсага чуқур аминманки, дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамлашиш тўғрисида Финляндия блан СССР ўртасида тузилган Шартнома муддатини узайтириш тўғрисидаги Протокол ва Порккала-Удд территориясини Финляндияга қайтариб бериш тўғрисидаги Битим халқларимизнинг тинч ва дўстона равишда биргаликда яшаши йўлида асосий босқичлардир. Бу эса, бутун дун'ё халқлари учун яхши намуна бўлиб хизмат қилади.

Раис жаноблари, ана шу муҳим битимлар ратификация қилинганлиги муносабати блан Сизни ва Сиз орқали СССР Олий Совети Президиумини табриклашга ва Улуғ Совет Иттифоқи халқларига бахт-саодат тилашга рухсат этгайсиз.

**Ю.К. ПААСИКИВИ**
**Финляндия Республикаси Президенти**

## *СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. БУЛГАНИН Жаноб Олийларига*

МОСКВА

Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамлашиш тўғрисида Финляндия ва СССР ўртасида тузилган Шартнома муддатини узайтириш ҳақидаги Протокол, шунингдек Порккала-Удд территориясини Финляндияга қайтариб бериш ҳақидаги Битим Финляндия Республикасининг президенти ва СССР Олий Совети Президиуми томонидан ратификация қилинганлиги муносабати блан юборган самимий табрик ва тилакларингиз учун Раис жаноблари, Сизга ва Сиз орқали Совет Иттифоқи Ҳукуматига Финляндия ҳукумати номидан ва шахсан ўз номимдан самимий ташаккур изҳор қиламан.

Финляндия ҳукумати Совет ҳукуматининг мамлакатларимиз ўртасида дўстона муносабатларни янада ривожлантириш учун ана шу битимларнинг катта аҳамиятга эга эканлиги тўғрисидаги фикрига тамомила қўшилади. Биз шу нарсага қаттиқ аминмизки, мазкур битимлар халқларимиз ўртасида ва уларнинг ҳукуматлари ўртасида бузилмас дўстлик, бир-бирларининг фикрларини яхши англаш ва самимий ишончнинг мустаҳкам гаровидир.

Раис жаноблари, Финляндия ҳукуматининг ва шахсан менинг самимий табрикларимни, шунингдек Совет Иттифоқи халқларига фаровонлик ва муваффақият тилаб изҳор қилинган энг яхши тилакларимизни қабул қилишни Сиздан ва Сиз орқали СССР Ҳукуматидан сўрайман.

**УРХО КЕККОНЕН**
**Финляндия Бош Министри**

## Область ижроия комитети ва Ўзбекистон КП область комитетида

Область ижроия комитети ва Ўзбекистон КП область комитети пахтани йиғиб-териш ва тайёрлаш юзасидан районлар, МТС, колхоз ва совхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1955 йил 10 октябрьдан 15 октябрьгача бўлган якунини кўриб чиқдилар ва **қарор қилдилар:**

1. Область ижроия комитети ва Ўзбекистон КП область комитетининг кўчма Қизил байроғи **Ўртасарой районида** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Юнусов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Умаров** ва пахта заводининг директори ўртоқ **Дериглазов**) қолдирилсин. Бу районда ўтган бешкунликда 8,97 процент пахта тайёрланиб, йиллик планнинг 67,77 проценти бажарилган, топширилган пахтанинг сифати эса яхши бўлган.

2. Область ижроия комитети ва Ўзбекистон КП область комитетининг кўчма Қизил байроғи **Сталин номли 16-нчи** совхозда (совхоз директори ўртоқ **Бухаров**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Комилов**) қолдирилсин. Бу совхоз ўтган бешкунликда 9,94 процент пахта тайёрлаб, йиллик планни 54,68 процент бажарган, топширилган пахтанинг сифати яхши бўлган.

3. Область ижроия комитети ва Ўзбекистон КП область комитетининг кўчма Қизил байроғи **Пахта машина-трактор** станциясида (директори ўртоқ **Коломейцев**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Болтаев**) қолдирилсин. Бу МТС машина блан пахта териш планини 55,4 процент бажарган, терилган пахтанинг сифати яхши бўлган.

4. Область ижроия комитети ва Ўзбекистон КП область комитетининг кўчма Қизил байроғи **Октябрь районидаги Молотов номли** колхозда (колхоз раиси ўртоқ **Қолжонов**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Бадиров**) қолдирилсин. Бу колхозда ўтган бешкунликда 17,6 процент пахта тайёрланиб, йиллик план 100,2 процент қилиб бажарилган, топширилган пахтанинг сифати яхши бўлган.

5. Йиллик пахта тайёрлаш планини бажарган **Оҳангарон районидаги Калинин** номли колхознинг (колхоз раиси ўртоқ **Нишонов**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Умаров**) яхши иши та'кидлансин.

6. **Ўртасарой** районида кўчма Қизил байроқ қолдирилиши блан бирга, пахтани қўлда ва машинада теришда алоҳида намуна кўрсатган колхозчилар, МТС ишчиларини мукофотлаш учун 5 минг сўм пул ҳам берилсин.

## *Ҳурмат тахтаси*

Давлат пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун область **Ҳурмат тахтасига** ёзилдилар:

Октябрь районидаги **Молотов номли колхоз** (колхоз раиси ўртоқ **Қолжонов**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Бадиров**).

Оҳангарон районидаги **Калинин номли колхоз** (колхоз раиси ўртоқ **Нишонов**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Умаров**).

## Донохон Қамбарова 12040 килограмм пахта терди

Сўнгги кунларда Донохон Қамбарованинг номи оғиздан-оғизга кўчиб юриб, бутун районга машҳур бўлди. Энди ўртоқ Донохон Қамбаровани фақатгина Сирдар'ё районидаги «Ленинобод» колхозидагина эмас, бутун областимизда танийдилар ва унинг номини ҳурмат блан тилга оладилар. У, мавсумда 12минг килограмм пахта теришга аҳд қилиб, партиямиз XX с'езди шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилган эди. Донохон илғор теримчиларнинг иш тажрибаларини қунт блан ўрганиб, терим сур'атини кундан-кунга ошираборди. Теримга у, эрта блан ҳаммадан барвақт тушади, ҳаммадан кейин қайтади. У терим сур'атини кунига 250—300 килограммгача етказиб, 14 октябрьгача 12040 килограмм пахта терди ва олган мажбуриятини ошириб бажарди.

— Мен, — дейди ўртоқ Донохон Қамбарова, — бу муваффақиятларимни янада мустаҳкамлайман, яна 3000 килограмм пахта тераман.

Ўртоқ Донохон Қамбаровага эргашаётган Шоҳиста Деҳқонова, Санталат Абдуллаева каби теримчилар ҳам юқори кўрсаткичларга эришаётирлар. Улар кунига 190 — 220 килограммдан пахта термоқдалар. Уларнинг ҳарбири ҳозиргача колхоз хирмонига 10100 — 10200 килограммдан ошириб, юқори сифатли пахта топширдилар.

Ўртоқ Донохон Қамбарова қўшимча олган мажбуриятини 7 ноябрьгача сўзсиз бажариш учун фидокорона меҳнат қилмоқда.

**Т. ҲАЙДАРОВ.**

## Гектаридан яна 15 центнер пахта топшириш учун

Октябрь районидаги «Сталинчи» колхозининг ўртоқ М. Амирхонов бошлиқ бригада а'золари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 38 йиллигини муносиб кутиб олиш учун мусобақани кучайтириб, пахта йиғим-теримини қизғин давом эттирмоқдалар. Бригада йиллик пахта тайёрлаш давлат планини 11 октябрьда районда биринчи бўлиб бажарди. 54 гектар ернинг ҳар гектаридан 26 центнердан юқори сифатли пахта топширилди.

Бригаданинг ўнмингчилар ҳаракатига қўшилган илғор теримчилари ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини шараф блан бажармоқдалар. М. Иззатова, З. Аббосова, С. Ниёзова, Ж. Аҳмедова ўртоқларнинг ҳарбири 9,5 — 10 тоннадан ошириб пахта териб, барча колхозчиларнинг ҳурматига сазовор бўлмоқдалар.

Ҳозир бригада а'золари йиғим-теримни ҳарқачонгидан ҳам қизғин давом эттирмоқдалар. Улар далада қолган ҳосилни чамалаб кўриб, яна гектаридан 15 центнердан пахта топширишга қарор қилдилар. Бригада а'золари ўз зиммаларига олган бу мажбуриятни 7 ноябрьгача бажариш, кузги-қишки дала ишларини ўз вақтида ўтказиш ва келгуси йилда ҳам пахтадан мўл ҳосил етиштириш мақсадида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

**Т. НИШОНБОЕВ.**

## *Илғор теримчилар мукофотландилар*

Верхне-волинск районидаги «Победа» колхози а'золари етиштирилган мўл ҳосилнинг бир граммини ҳам нобуд қилмай, тезда йиғиб-териб давлатга топшириш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Давлатга пахта топширишнинг муваффақиятли бориши асосан терим сур'атини кучайтиришга боғлиқ эканлигини яхши тушунган колхозчилар кунлик нормани ошириб бажариш учун курашмоқдалар. Улар партиямизнинг XX с'езди шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, пахта териш ва давлатга топшириш сур'атини тобора ошириб бормоқдалар. Колхоз а'золари ўзларининг фидокорона меҳнатлари туфайли райондаги илғор колхозларга етиб олдилар. Ҳозир колхозда теримчилар учун ҳар 10 кунда пул ва ғалла аванси бериб турилмоқда. Сентябрь ойида 3—4,5 минг килограммдан пахта терган кўпгина теримчилар қимматбаҳо буюмлар блан мукофотландилар.

Шунингдек К. Маркс номли колхозда ҳам йиғим-терим ишлари тобора қизитилмоқда. Колхоз пахта териш ва топширишда райондаги илғор колхозлар қаторида бормоқда. Колхознинг азамат пахтакорлари илғорликни йилнинг охиригача қўлдан бермаслик учун ғайрат блан меҳнат қилиб, пахта териш ва топшириш графигини ошириб адо этмоқдалар.

**Қ. ҚУРБОНБОЕВ,**
**Қ. МАХАТОВ.**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

## Чирчиқ шаҳар саноат корхоналарининг энг яхши рационализаторлари ва ихтиро'чиларини Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиқлари блан мукофотлаш тўғрисида

Саноат корхоналари ишини яхшилаш юзасидан рационализаторлик таклифлари киритганликлари учун Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиқлари блан мукофотлансинлар:

1. Яг'я **Анафиев** — «Средазхиммаш» заводининг разметчиги.
2. Василий Димитриевич **Афонин** — электрохимкомбинатнинг механиги.
3. Петр Савельевич **Белокур** — «Средазхиммаш» заводининг старший мастери.
4. Петр Степанович **Беляков** — ойна заводининг инженери.
5. Яков Семенович **Болтак** — «Средазхиммаш» заводининг цех бошлиғи.
6. Сергей Хрисантович **Большаков** — «Средазхиммаш» заводининг технологи.
7. Ефим Михайлович **Бродянский** — электрохимкомбинатнинг слесари.
8. Валентин Сергеевич **Гаврилов** — электрохимкомбинатнинг цех бошлиғи.
9. Халит Хўжабадинович **Жемелев** — «Срадазхиммаш» заводининг старший инженери.
10. Алексей Семенович **Доценко** — нон заводининг инженери.
11. Владимир Петрович **Екимов** — электрохимкомбинат слесарьлар бригадасининг бошлиғи.
12. Константин Иванович **Ерискин** — электрохимкомбинатнинг старший мастери.
13. Наум Егорович **Егоров** — ойна заводининг старший ойна эритувчиси.
14. Азиз **Иброимов** — «Электрошчит» заводининг йиғувчи слесари.
15. Михаил Яковлевич **Иваншин** — «Чирчиксельмаш» заводининг слесари.
16. Франц Станиславович **Ильницкий**— «Средазхиммаш» заводининг старший нормировшчиги.
17. Молдабой **Исмағулов** — «Электрошчит» заводининг контроль мастери.
18. Федор Александрович **Калачиков** — электрохимкомбинатнинг прессчиси.
19. Лев Абрамович **Кальман** — электрохимкомбинатнинг цех бошлиғи.
20. Григорий Тихонович **Коваль** — «Средазхиммаш» заводи техника бюроси бошлиғининг ўринбосари.
21. Иван Федорович **Королев** — ГЭС каскадининг старший машинисти.
22. Владимир Александрович **Краснов**— «Чирчиксельмаш» заводининг слесари.
23. Константин Григорьевич **Кроткевич**— ГЭС каскадининг 8-нчи ГЭС бошлиғи.
24. Искандер Усаинович **Кудряев** — «Чирчиксельмаш» заводи цех бошлиғининг ўринбосари.
25. Андрей Петрович **Куликов** — ГЭС каскадининг слесари.
26. Михаил Иванович **Леонтьев** — «Средазхиммаш» заводининг старший мастери.
27. Александр Григорьевич **Масальский** — «Средазхиммаш» заводининг разметчиги.
28. Павел Тимофеевич **Меренков** — электрохимкомбинат илмий-текшириш группасининг бошлиғи.
29. Юрий Васильевич **Меренченко** — «Союзпроммонтаж» монтаж бошқармасининг қозончилар бригадасининг бошлиғи.
30. Иван Тимофеевич **Миняйлов** — электрохимкомбинатнинг слесари.
31. Петр Антонович **Можар** — электрохимкомбинат механиги.
32. Василий Порфирьевич **Назаров** — «Чирчиксельмаш» заводининг электрослесари.
33. Геннадий Андреевич **Орлов** — электрохимкомбинатнинг слесари.
34. Андрей Каненикович **Паникарский** — «Чирчиксельмаш» заводининг электрослесари.
35. Петр Степанович **Паршутин** — электрохимкомбинат мастери.
36. Василий Сергеевич **Романцев** — электрохимкомбинатнинг слесарьлар бригадасининг бошлиғи.
37. Дурназар **Рўзиев** — электрохимкомбинатнинг аппаратчиси.
38. Аркадий Георгиевич **Рякин** — «Чирчиксельмаш» заводи цех бошлиғининг ўринбосари.
39. Митрофан Иванович **Санжаров** — электрохимкомбинатнинг механиги.
40. Григорий Иванович **Санжаров** — электрохимкомбинат слесарьлар бригадасининг бошлиғи.
41. Аблянт **Саферов** — «Чирчиксельмаш» заводининг старший мастери.
42. Василий Васильевич **Сафронов** — «Чирчиксельмаш» заводининг цех бошлиғи.
43. Михаил Кукчерович **Сим** — «Средазхиммаш» заводининг старший технологи.
44. Александр Александрович **Соболь** — «Чирчиксельмаш» заводи подстанцияси бошлиғининг ўринбосари.
45. Иван Васильевич **Таранец** — «Средазхиммаш» заводининг мастери.
46. Перц Меерович **Трояновский** — «Союзпроммонтаж» монтаж бошқармасининг бош инженери.
47. Абдулла **Умеров** — электрошчит заводининг слесари.
48. Иван Алексеевич **Филиппов** — электрохимкомбинатнинг механиги.
49. Шукри **Ҳайбуллаев** — пойафзал фабрикасининг механиги.
50. Алексей Михайлович **Четверяков** — электрохимкомбинатнинг аппаратчиси.
51. Михаил Федорович **Шумский** — электрошчит заводининг мастери.
52. Николай Васильевич **Шуневич** — «Средазхиммаш» заводининг токари.
53. Борис Александрович **Яковлев** — «Чирчиксельмаш» заводининг старший мастери.

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. РАШИДОВ.**
**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ж. ИЛҲОМОВА.**
Тошкент шаҳри,
1955 йил, 17 октябрь.

